O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATA
INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2007 йил
21 февраль
ЧОРШАНБА

№ 15
(11.922)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

Таълим

## БИЛИМДОНЛИК КУТУБХОНАДАН БОШЛАНАДИ

**Яқинда Қибрай туманидаги 6-умумтаълим мактаби республика Халқ таълими вазирлигининг кўчма ҳайъат йиғилишига мезбонлик қилди.**

Унда иштирок этган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари раҳбарлари, жойлардаги тизим ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари директорлари, педагогика олий таълим даргоҳларининг ректорлари, илм-фан намоёндалари мазкур мактабда келажагимиз давомчилари учун яратилган муносиб шарт-шароитларга юксак баҳо бердилар.

Мактабда айни чоғда 400 га яқин ўқувчи таҳсил олаётир. Уларнинг умумий саводхонлигини ошириш мақсадида нафақат информатика, балки физика, кимё, математика каби табиий фанлар ҳам электрон дарсликлар асосида ўқитилаяпти. Айниқса, шинам ва замонавий кутубхона, кўргазмали воситалар, маънавият-тарғибот бўлимлари ўсмирлар онгу шуурини янада бойитмоқда.

– Ўқув муассасаларимиз кутубхоналарини талаб даражасига кўтариш, китоб захирасини илмий-оммабоп, бадиий ҳамда сиёсий адабиётлар билан бойитиб боришга қаратилган саъй-ҳаракатларимиз таълим сифатини оширишда катта самара бераяпти, – дейди туман халқ таълими бўлими мудираси Флора Йўлдошева. – Айниқса, бунга кўплаб илм-фан фидойилари, ҳомийларни жалб этаётганимиз, вақти-вақти билан китобхонлар ойлиги ва марафонлари уюштираётганимиз қўл келмоқда. Бинобарин, ҳар жиҳатдан етук, баркамол авлодни вояга етказишда китоб яқин ҳамроҳимиз ва кўмакчимиз бўлиши лозим.



**СУРАТДА:** мактаб кутубхоначиси Малика Норматова 4-синф ўқувчиларини янги келтирилган «Ўзбек халқ эртаклари» китоби билан таништирмоқда.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ*

## Ҳазрати Имом (Ҳастимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида

Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида жойлашган, халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган Ҳазрати Имом (Ҳастимом) меъморий мажмуаси юртимиз ва мусулмон оламида катта обрў-эътибор қозонган табаррук маскан ҳисобланади. Мажмуа таркибидаги Қаффол Шоший мақбараси, Бароқхон ва Мўйи муборак мадрасалари, Тилла шайх ва Намозгоҳ масжидлари каби тарихий обидалар халқимиз томонидан асрлар давомида асраб-авайлаб келинмоқда.

Бу қутлуғ даргоҳ диёримизда муқаддас ислом дини ва фалсафасини, унинг инсонпарварлик ғояларини кенг ёйишда йирик илмий-маърифий марказ бўлиб хизмат қилаётганини, айниқса, Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг кутубхонасида сақланаётган Қуръони каримнинг энг қадимий ва мўътабар нусхаларидан бири бўлган машҳур Усмон Қуръони, шунингдек, минг-минглаб ноёб қўлёзмалар жаҳон жамоатчилигининг эътиборини ўзига тортиб келаётганини таъкидлаш лозим.

Ҳазрати Имом мажмуасининг тарихимиз, маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб ҳамда унинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Мусулмонлари идораси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Фанлар академияси, Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда бу савобли ишга ҳисса қўшиш ва унда иштирок этиш истагини билдирган жисмоний ва юридик шахсларнинг ташаббуси билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошида Ҳазрати Имом (Ҳастимом) жамоатчилик жамғармаси таъсис этилгани маълумот учун қабул қилинсин ва кенг жамоатчиликнинг мазкур жамғармани қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Жамғарманинг мамлакатимиздаги ташкилотлар, идоралар, корхоналар, тижорат банклари ва бошқа муассасалардан иборат ҳомийлар гуруҳи иловага мувофиқ эътиборга олинсин.

2. Жамғарма Ҳазрати Имом мажмуасида қурилиш-таъмирлаш, қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишлари олиб бориладиган даврда буюртмачи сифатида фаолият юритиши, унинг асосий вазифаси мажмуа ҳудудида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш, қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларига кўмаклашиш учун зарур маблағларни тўплаш ва уларнинг мақсадли равишда сарфланишини таъминлашдан иборат экани белгилаб қўйилсин.

3. Жамғарма нотижорат ташкилот бўлиб, унга нотижорат ташкилотлар учун қонунчиликда кўзда тутилган солиқ имтиёзлари татбиқ этилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 15 кун муддатда Ҳазрати Имом жамоатчилик жамғармасининг Низомини ўрнатилган тартибда рўйхатга олсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан Ҳазрати Имом жамоатчилик жамғармасининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун 500 миллион сўм миқдорида маблағ ажратсин.

6. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ҳазрати Имом мажмуасида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш, қайта тиклаш, ободонлаштириш, унинг инфратузилмасини ривожлантириш билан боғлиқ ишларни мунтазам ёритиб бориш тавсия этилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2007 йил 20 февраль.

**Яқинда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси томонидан тайёрланган ана шу номдаги видеофильм араб тилида Қувайт телевидениесининг биринчи канали орқали намойиш этилди. Ўзбекистон ҳақида ҳикоя қилувчи 30 дақиқалик ушбу фильм Қувайтнинг академик ва жамоатчилик доираларида катта қизиқиш уйғотди.**

## «ЎЗБЕКИСТОН – ИСЛОМ ДУНЁСИНИНГ ГАНЖИНАСИ»

Бир неча маротаба мамлакатимизда бўлиб қайтган Араб очиқ университетининг Қувайт филиали директори Фуад ал-Микрад кўҳна ва бой тарих ҳамда бетакрор маданиятга эга, буюк аллома ва мутафаккирларнинг ватани — Ўзбекистон нафақат ислом, балки бутун жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшганини қайд этди. Унинг фикрича, Қувайт телевидениеси орқали намойиш этилган мазкур фильм ўз мамлакати аҳлига Ўзбекистоннинг ноёб тарихий-меъморий ёдгорликлари, муқаддас маънавият ўчоқлари ҳамда халқнинг миллий анъаналари билан бевосита танишиш имконини берди.

**«Жаҳон» АА.**

## ФАОЛ ХОТИН-ҚИЗЛАР ЎҚУВИ

**Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси жойларда чуқур ўрганилиб, унда қўйилган устувор вазифаларнинг ижросини таъминлаш йўллари белгилаб олинмоқда.**

Ана шундай махсус курс машғулотлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ҳам давом этмоқда. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятларнинг туман ва шаҳарлари хотин-қизлар қўмиталари раҳбарлари, фаол аёллар иштирок этмоқда.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги фаоллигини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан экани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишларни янада юқори поғонага кўтаришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Фармонга биноан юртимизда хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни иш билан таъминлаш масалаларини ҳал этиш, айниқса тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, касбий, ҳуқуқий, иқтисодий билим ва малакасини янада ошириш борасида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда янги иш ўринларини барпо этиш, хотин-қизлар ўртасида хусусий бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга оид чора-тадбирларни кенгайтириш ҳам давр талаби.

Беш кун давом этадиган машғулотларда "Ижтимоий ҳимоя — барқарор тараққиёт омили", "Хотин-қизлар қўмиталарининг "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури доирасидаги фаолият йўналишлари", "Оналик ва болаликни муҳофаза қилишга доир давлат сиёсати", "Мамлакат хавфсизлигини таъминлаш ва ташқи сиёсатнинг устувор йўналишлари" каби мавзуларда маърузалар тингланади.

Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

**ЎзА.**

## ГРИППНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ – ЭНГ САМАРАЛИ ЙЎЛ

**Сўнгги пайтда мавсумий грипп эпидемияси нафақат айрим мамлакатлар, балки қитъаларни ҳам қамраб олмоқда. Бу эса пандимеянинг пайдо бўлиш хавфини келтириб чиқариши мумкин.**

Шу муносабат билан касалликнинг авж олишига сабаб бўладиган оқибатларни камайтириш мақсадида профилактика чораларини қўллаш ва касалликнинг олдини олиш стратегиясини ишлаб чиқиш бугунги кунда бутун жамият олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади. Тошкентда ўтаётган пандемик грипп сабабли юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятда коммуникациялар ва оммавий ахборот воситалари билан алоқани йўлга қўйиш бўйича уч кунлик симпозиум ушбу мавзуга бағишланди.

Симпозиум БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида мамлакатимизда ишлаб чиқилган Гриппнинг олдини олиш ва назорат қилиш ҳамда пандемияга тайёргарлик кўриш бўйича миллий дастурнинг амалга оширилишини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилди. Унда республикамиз санитария-эпидемиология хизматлари, вазирлик ва идораларнинг ахборот хизматлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этмоқда.

Симпозиумда бундан юз йил аввал Италия ва АҚШда "парранда гриппи" билан оммавий касалланиш ҳолатлари кузатилгани ҳақида гапирилди. Бироқ, ушбу мутациялашган вирус қушлардан одамларга ҳам ўта бошлади. Касалликка чалинишнинг дастлабки ҳолатлари Жануби-шарқий Осиёда рўйхатга олинди. Кейинчалик унинг одамлар учун хавфли штамми янада кенг тарқалди. Покистон, Озарбайжон, Миср, Туркия, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида ҳам одамларнинг касалланиш ҳоллари қайд этилди. Россиянинг Москва вилояти ва Буюк Британияда ушбу касалликка чалинган уй паррандалари ҳалок бўлаётгани тўғрисидаги энг сўнгги маълумотлар вазиятнинг жиддийлигини кўрсатаётир. Шу муносабат билан республикамиз ҳудудига "парранда гриппи"нинг кириб келиши ва тарқалиши хавфи ортиб бормоқда.

Грипп миллий маркази раҳбари Р. Раҳимовнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда ушбу хавфнинг олдини олиш учун барча зарур чоралар кўрилмоқда. Маълумки, сувда сузувчи ёввойи қушлар "парранда гриппи"ни ташувчилар ҳисобланади. Шу сабабли уларнинг учиб ўтиш мавсумида инфекциянинг кириб келиш хавфи янада ортади. Негаки, бу қушлар Ўзбекистон ҳудудидан ҳам учиб ўтади. Давлат санитария ва эпидемиология хизматлари ветеринарлар ҳамда орнитологлар билан яқин ҳамкорликда ишламоқда. Мамлакатимизда айни пайтгача уй паррандалари, хусусан, одамларнинг касалликка чалиниш ҳолатларининг рўйхатга олинмагани ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар самарадорлигидан дарак беради. Давлат чегараларимизда, темир йўл бекатлари ва аэропортларда санитария-назорат пунктлари фаолияти кучайтирилган. Одамлар гавжум бўладиган жойлар, транспорт, шифохоналар, мактаблар, болалар муассасаларида профилактика тадбирлари амалга оширилмоқда. Касалхоналарда ушбу касалликка чалинган деб гумон қилинган беморларни даволаш учун қўшимча ўринлар, зарур дори-дармон ва дезинфекцияловчи воситалар захираси ташкил этилди. Аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилаётир.

Симпозиум иштирокчилари ўз чиқишларида республикамизда амалга оширилаётган эпидемияга қарши ишлар самарадорлиги кўп жиҳатдан биргаликдаги саъй-ҳаракатларнинг яхши йўлга қўйилиши, оммавий ахборот воситалари ёрдамида бу ишларга жамоатчиликни ҳам кенг жалб қилиш билан боғлиқлигини қайд этди. Бундан ташқари, бошқа давлатларда турли эпидемияларга қарши кураш давомида олинган сабоқлар Ўзбекистон учун ҳам фойда келтириши мумкинлиги ҳақида сўз юритилди. Ўз навбатида, мамлакатимизда ушбу соҳадаги мавжуд ижобий тажриба ҳам кенг жорий этилиши лозим. Бу галги симпозиум юзага келиши мумкин бўлган пандемияга қарши курашиш бўйича самарали механизмни ишлаб чиқишга кўмаклашади.

**А. ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

**Батик – ҳарир матога мўъжаз суратлар чизиш. Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида нафис санъатнинг ана шу турига бағишланган кўргазма очилди.**

## ҲАРИР МАТОДАГИ СУРАТЛАР

Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитаси, бир қатор хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўргазма юртимиз ҳамда Индонезия, Ҳиндистон, Чехия, Болгария, Россия, Малайзия каби давлатларнинг ушбу йўналишда қалам тебратаётган рассомлари ижод намуналари билан танишиш имконини беради.

Бу ерда Мадина Содиқова, Лола Маҳдиева, Алома Шарипова, Ирина Сергеева, Людмила Бойматова, Марина Стрельникова сингари ўзбекистонлик батик санъати усталарининг ижоди билан ҳам атрофлича танишиш мумкин.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ИШ УНУМИ ОШМОҚДА

**Олмалиқ кон-металлургия комбинатида бир йўла 130 тонна рудани кўтара оладиган «БелАЗ-75131» русумдаги юк машиналари ишлай бошлади.**

Уларнинг учтаси «Қалмоққир» рудани қайта ишлаш конига, иккитаси эса кон марказига жалб этилди. Бу автомашиналарни таъмирлаш, уларнинг техник ҳолатини назоратдан ўтказиш учун янги техник жиҳоз ва эҳтиёт қисмлар ҳам келтирилган.

**Ибодулла МЎМИНОВ.**

Уюшмалар ҳаётидан

## БЕНЗИН УЧУН ПЛАСТИК КАРТОЧКА

**Бугун вилоятда транспортда йўловчи ташиш, накд пул тушуми ва солиқ тўловларини барқарорлаштириш устувор вазифага айланган. Жумладан, йўналишларни тартибга солиш ва тўғри тақсимлаш мақсадида ўтказилаётган тендер савдоларида йўловчи ташувчи уюшмалар олдига кунлик тушумни банкка топшириш, солиқ тўловларини ўз вақтида тўлаш каби муҳим талаблар қўйилмоқда.**

— Эмин-эркин ишлайман деган тадбиркор амалдаги қонунлар асосида ва давлат манфаатларидан келиб чиқиб иш юритмоғи лозим, — дейди «Конкордтранссервис» уюшмаси раҳбари Рустам Толипов. — Биз ҳам фаолиятимизнинг ҳар тарафлама қонуний бўлишини таъминлаш чораларини кўраяпмиз.

2004 йилда Тошкент туманида рўйхатдан ўтиб, бор-йўғи 7 та микроавтобус билан иш бошлаган «Конкордтранссервис» бугунга келиб қарийб 120 та автомобилни шартнома асосида ўзида бирлаштирди. «Нур» хусусий корхонасининг майдонини ижарага олди. Автомобилларнинг техник, ҳайдовчиларнинг тиббий кўриклари шу ерда ташкил этилди.

— Ҳозир ишларимиз анча изга тушиб қолди, — дейди Рустам Толипов. — «Савдогарбанк»нинг Тошкент туманидаги ҳисоб рақамимизга ойига 4-5 миллион сўм пул тушмоқда. Тез кунда пластик карточка жорий этиш бўйича шартномани имзолаймиз. Шунда ёқилғи мойлаш маҳсулотлари карточка орқали харид қилинади ва кунлик тушум ҳам ошади. Ҳозир банк билан бирга ташкилий ишларни амалга ошираяпмиз.

Тошкент туманидаги бир қатор йўналишларда йўловчи ташиш билан шуғулланаётган уюшма ўша ҳудудларда ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалардан ёрдамини аямаяпти.

— Янги йил арафасида ҳудудимиздаги 50 нафар кам таъминланган оилалар фарзандларига совғалар топширишди, — дейди Ғ. Умаров номли қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ориф Ҳакимов. — Янги очилган поликлиникага жиҳозлар харид қилишда кўмаклашишди.

— Йўналишларда имтиёзли йўловчиларга имконият яратилган. Уларнинг баъзилари текин, айримлари имтиёзли нархда транспортда юришади, — дейди уюшма ҳайдовчиси Умид Восиқов.



Келгуси ойнинг бошларида барча ҳайдовчилар учун бир хил кийим-бош жорий қилинади. Бу тартиб интизомни йўлга қўйишда муҳим омил бўлиб, аҳолига сифатли транспорт хизмати кўрсатиш ва шу орқали нақд пул тушумини кўпайтириш, солиқларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлашга хизмат қилади.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

# ИМТИЁЗ ТУФАЙЛИ ТАЛАБА БЎЛДИЛАР

**Ёшларни юрт қаноти, мамлакат таянчи деймиз. Навқирон авлодга эътибор келажакка қўйилган мустаҳкам пойдевор демак.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқаролар учун республика олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўпланадиган энг юқори баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча балл шаклидаги имтиёз берилиши белгиланган. Бундан ташқари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва тўлов-шартнома шакли бўйича ўқишга қабул қилинган талабаларга шартнома тўлови миқдорининг 35 фоизини тўлаш тариқасида моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги таклифи ҳам кўрсатиб ўтилган. Бунинг учун ёшларнинг дарсларни ўзлаштириши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятидаги ўрни инобатга олинади. Тошкент Давлат аграр университетида ўтган «Ватан ҳимоячилари ва тинчлик посбонларига юрт ишончи» фестивалида ана шундай бир гуруҳ талабалар тақдирланди.

– Ҳарбий хизмат ёшлар учун ҳақиқий ҳаёт мактаби, – деди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашининг раиси Шуҳрат Қўчқоров. – Ушбу Қарор эса хизматни тугатаётган ёшларни рағбатлантиришни назарда тутади. Шу муносабат билан Ҳаракат томонидан Тошкент Давлат аграр университетининг 17 нафар ҳамда вилоят Давлат педагогика институтининг 25 нафар талабасига умумий тўлов миқдорининг 35 фоизи – 6 миллион 903 минг сўмлик маблағ ёрдам тариқасида тўлаб берилди.

Фестивалда Ҳаракатнинг марказий ва вилоят кенгашлари, вилоят ҳокимлиги ҳамда икки олий ўқув юртидан вакиллар иштирок этишди.

– Мен ёшлигимдан иқтисодчи бўлишни орзу қилардим, – деди Тошкент Давлат аграр университети иқтисодиёт факультети 3-босқич талабаси Икром Шерматов. – Ўз орзуимдаги олий ўқув юртининг талабаси бўлдим. Лекин шартнома асосида таълим олиш оиламиз учун муайян қийинчилик туғдирарди. Президентимиз қарори шартнома шартларини бажаришимизни анча осонлаштирадиган бўлди. Бундай имкониятдан унумли фойдаланишимиз, шунга муносиб бўлишимиз лозим.

– «Камолот» фаоли бўлганим қўл келди, шартнома пулини тўлашим енгиллашди, – дейди вилоят Давлат педагогика институтининг ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогика фанлари факультети талабаси Озод Ўрозов.

Тадбир сўнгида Тошкент Давлат аграр университетининг «Янги юлдузлар» ҳамда вилоят Давлат педагогика институтининг «Ангрен полвонлари» жамоалари талабаларни қутлаб, ўз бадиий дастурларини намойиш этишди.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

# ЕТАКЧИНИНГ ВАЗИФАСИ

**Ўртачирчиқ туманида ёшлар етакчиларининг давра суҳбати ўтказилди. Унда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши билан «Камалак» болалар ташкилоти фаоллари иштирок этишди.**

Етакчиларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари хусусида кенг фикр олишув бўлиб ўтди. Вояга етмаганлар билан ишлашга эътиборни кучайтириш, болалар спортини ривожлантириш, ёшларни тадбиркорлик ва касб-ҳунар эгаллашга йўналтириш сингари масалалар иштирокчиларнинг диққат марказида бўлди.



**СУРАТДА:** ЎзЛиДеП туман кенгаши раисининг ўринбосари Каромат Расулова давра суҳбати иштирокчилари билан.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

# АДИБ ҲАҚИДА ХОТИРАЛАР

**Ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган атоқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор ижодий мероси ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эгадир.**

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши ташаббуси билан ўтказилган анжуман ҳам адиб хотирасига бағишланди. Унда таниқли ёзувчи ва шоирлар, депутат ҳамда талабалар иштирок этди.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ ёзувчилари Пиримқул Қодиров, Ўткир Ҳошимов адиб билан боғлиқ хотираларни ёдга олдилар.

**«Туркистон-пресс».**

**Тараддуд**

# ТАНЛОВ ТОБОРА ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

**2007 йил 24 февраль... Шу куни Чирчиқ шаҳри мезбон сифатида «Ташаббус – 2007» кўрик-танлови вилоят босқичи иштирокчиларини кутиб олади.**

Мана, ўн бир йилдирки, Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун «Ташаббус» кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. Унинг доираси йилдан йилга кенгайиши баробарида масъулияти, мазмун-моҳияти, савияси ҳам ошмоқда. Эндиликда унда ғолиб бўлиш учун фаолиятдаги юқори кўрсаткичларнинг ўзи кифоя қилмайди. Ҳар бир иштирокчи жамиятда ўз ўрнини топиб, атрофдагиларга кўп жабҳада ибрат бўла олиши лозим. Яқинлашиб келаётган танловнинг вилоят босқичи олдидан Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Валижон Нурмуҳамедов билан суҳбатлашдик.

**— Айтингчи, ўтган вақт танловнинг такомиллашувига қандай таъсир ўтказди?**

— Биринчи галда унда иштирок этиш истагини билдираётганлар йилдан йилга кўпайиб бораётир. Улар кўрикда қатнашиб, юқори балл олишга интилиш кайфиятидан чекиниб, танловга жиддий муносабатда бўлишяпти. Натижада ҳудудларда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожи жадаллашмоқда. Қолаверса, мамлакат иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ортиб, тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилаётган имкониятлар кенгайиб бораяпти.

Танловнинг яна бир аҳамиятли томони шунда бўлаяптики, иштирокчилар орасида ўзаро тажриба алмашиш ва улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар рекламасини ташкил этиш такомиллашмоқда.

**— Танловларда вилоятимиз вакиллари эришаётган ютуқлар ҳақида нима дея оласиз?**

— Бирон йил йўққи, вилоятимиз номидан қатнашаётган ишбилармон доира вакилларининг ўрни муносиб баҳоланмаган бўлса. «Ташаббус» танлови илк бор ўтказилган йилнинг ўзидаёқ Республика босқичида Қибрай туманидаги «Устоз» хусусий корхонаси раҳбари Эргаш Сапаев «Энг яхши ҳунарманд» йўналиши бўйича биринчи ўринни эгаллаб, Президентимиз соврини — «Тико» автомобилининг соҳиби бўлган эди. Оққўрғон туманидаги «Акмал» хусусий фирмаси раҳбари Раҳимжон Умиров эса 1998 йили «Энг яхши тадбиркор» қандай бўлиши лозимлигини кўрсатди. Олий соврин – «Нексия» автомобили ҳануз фирма хизматида.

2001 йилги танловда тадбиркорлик йўналишида вакилимиз эришган ютуқ барчани қувонтирди. Паркентлик Саидкарим Юсупов бошқараётган «Ber-Ad» хусусий фирмаси қуруқ меваларни қайта ишлаб, чет давлатларга экспорт қилиш билан шуғулланади. Ўтган йили Тошкент туманидаги «Тўхтаниёз ота» фермер хўжалиги заминдорлар орасида энг яхшиси деб топилиб, юзимизни ёруғ қилди.

Бундан ташқари яна бир қатор вакилларимиз бошқа номинациялар бўйича рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирланишди. Бу йил ҳам республика танловида вакилларимизнинг муносиб ўрин эгаллашларига умид боғлаяпмиз.

Барча тайёргарлик ишлари танловни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом талаблари асосида олиб борилмоқда. Тадбирни ўтказиш учун ҳомийлар ҳам жалб этилган. Ангрендаги «Саноатқалинқоғозсавдо» очиқ акциядорлик жамияти биринчилардан бўлиб хайрихоҳлик кўрсатиб, 2 миллион сўм, «Кучлук» нефть базаси ҳамда «Ўзбеккимёмаш» корхонаси 1 миллион сўмдан, «Вилоятбозорсавдо» уюшмаси эса 600 минг сўм ажратди.

**— Бу йилги танлов йўналишларида қандай янгиликлар бор?**

— Қўшимча «Энг мурувватли тадбиркор» номинацияси таъсис этилди. Унда ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашда мурувват кўрсатган тадбиркор, фермер ва ҳунармандлар аниқланди. «Қишлоқларда турмуш маданиятини яхшилашдаги хизматлари учун» номинациясида хонадонларнинг санитар-гигиеник ҳолатини яхшилаш юзасидан қилинган ишлар, қишлоқ муҳитига тўғри келадиган болалар ва катталар учун кийим-кечак тикиш, узоқ муддат фойдаланиш учун мўлжалланган зарур маиший эҳтиёж моллари савдоси нуқталарини ташкил қилиш ва шу кабиларга ҳам муносиб баҳо берилади.

**«Тошкент ҳақиқати» мухбири Хуршида НАЗАРОВА суҳбатлашди.**

# БОЛА — ОИЛА БАХТИ

**Бола оила бахти, жамият келажагидир. Ўзбекистонда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, билим олиши ва комил инсон бўлиб вояга етиши билан боғлиқ масалалар давлат сиёсати даражасига кўтарилган.**

Бу йўналишда халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) билан йўлга қўйилган яқин ҳамкорлик ўз самарасини бермоқда.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва ЮНИСЕФ ҳамкорлигида ташкил этилган гўдакларни соғлом улғайтириш масалаларига бағишланган Марказий Осиё минтақавий анжуманида бу алоҳида таъкидланди. Тадбирда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Россиядан соғлиқни сақлаш, таълим, психология, оила ҳаёти билан боғлиқ йўналишларда фаолият кўрсатувчи мутахассислар иштирок этмоқда.

Семинарда мутахассислар гўдакларнинг ўсиши ва ривожланиши билан боғлиқ долзарб масалалар юзасидан фикр алмашадилар.

24 февралгача давом этадиган ушбу тадбир иштирокчилари Тошкент вилоятининг айрим туманлари маҳаллаларида бўлиб, оилалар ҳаёти билан яқиндан танишадилар.

**ЎзА.**

**2007 – Ижтимоий ҳимоя йили**

**Хурсаной минг истиҳола билан маҳалла идорасига келди. «Кирсаммикин, – у котиба қиз таклиф этган ўриндиққа омонатгина чўкди, – яқиндагина ёрдам пули ажратилган эди. Энди қизимнинг операциясига...»**

**– Марҳамат, раис бува сизни сўраяптилар, – котиба қизнинг овозидан сергак тортган Хурсаной қия очиқ эшикдан ичкари ҳатлаб, сўнгги почтани кўздан кечираётган раисга рўпара бўлди.**



# ЯХШИЛИКДАН ЯШАРАР ДУНЁ

— Хижолат бўлманг, синглим, — гап бошлади раис. — Қизингиз Мамлакатнинг тақдирига бефарқ эмасмиз. Раёсат қарори билан банкда унинг номига ҳисоб рақами очилади. Жамғарма ҳисобидан пул ўтказилади. Республика «Маҳалла» жамғармасидан ҳам ёрдам кўрсатиладиган бўлди.

Орадан кўп ўтмай Оҳангароннинг Қорабалиқ қишлоғида яшовчи 16 ёшли ногирон Мамлакат Нишонова пойтахтдаги ортопедия илмий-тадқиқий институтининг жарроҳлик бўлимига ётқизилди. Операция муваффақиятли ўтди. Шу куни Хурсаной ўзининг ёлғиз эмаслигини, атрофида оқибатли, яхши инсонлар кўплигини яна бир бор ҳис этди.

Шу лаҳзаларда Хурсанойнинг армонлари аригандек бўлди. Раҳматли эри вафотидан сўнг жўжабирдай болаларининг бугуни ва эртаси билан яшади, рўзғор ташвишларини ўзи тортди. Уйда қозон қайнамай қолган кунлар бўлди. Лекин ҳеч кимдан ёрдам сўрамади. Оиланинг шароитидан хабардор маҳалла қўмитаси, атрофдаги қўни-қўшнилар камсуқум, хокисор аёлдан қўмакни аяшмади.

— Мамлакатимизда инсон манфаатлари устивор саналади, — дейди туман «Маҳалла» жамғармаси раиси Йўлдош Эралиев. — Айниқса, аҳоли саломатлигини сақлаш, кам таъминланган оилаларга ҳомийлик ёрдами кўрсатиш каби халқимизга хос фазилатлар бугунга келиб миллий қадриятлар даражасига кўтарилганлигини алоҳида таъкидламоқчимиз.

Дарҳақиқат, давлатимиз томонидан одамларнинг турмуш даражасини кўтариш учун яратилаётган шарт-шароитлар, имкониятлар чексиз. Уларнинг барчаси одамларнинг ҳаётга муҳаббатини, эртанги кунга ишончини орттиради.

— Туман қишлоқлари йил сайин обод бўлиб, аҳоли турмуш фаровонлиги ошиб бормоқда, — дейди суҳбатдошимиз. — Ҳозирги кунда 19 та қишлоқ врачлик пункти, 3 та шифохона, 8 та фельдшерлик бўлимлари фаолият юритмоқда. Уларнинг барчаси замонавий тиббий ускуналар билан таъминланган.

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, касаначиликни кенг йўлга қўйиш, ёшларни фойдали машғулотларга жалб этиш борасида маҳаллаларда амалий ишлар қилинмоқда. Яқинда Наврўз байрами шарафига янги спорт мажмуасида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга самарали ҳисса қўшган марҳум Умар Умрзоқовнинг хотирасига бағишланган турнир ўтказилади. Унда маҳалла жамоалари ва ёшлар спортнинг 7 та тури бўйича мусобақалашадилар.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

**СУРАТДА:** туман «Маҳалла» жамғармаси фаолларидан бир гуруҳи.

**Муаллиф олган сурат.**

**Шундайлар бор бўлсин**

**– Вилоятимизда кўп йиллар мобайнида самарали ишлаган Нозимжон Носирович билан яқинда суҳбатлашиб қолдим, – деди «Нуроний» жамғармаси вилоят кенгашининг раиси Нўъмонжон Насимов. – Ғоят ишчан, талабчан, омилкор раҳбарлардан бўлган. Ишнинг муваффақиятини таъминлаш учун вақтини ҳам, куч-ғайрату билимини ҳам аямай меҳнат қиларди.**



# БУГУННИНГ ҚАДРИ

Нозимжон Носировни бундан 35-40 йиллар муқаддам вилоятда ўтувчи катта-катта йиғинларда мен ҳам кўп кўрганман, кузатганман.

Чап қоши кўтарилганича турли давраларда турган пайтларини, оғир-вазмин гапларини яхши эслайман. Ўша кезлари у дастлаб Юқоричирчиқ, кейинроқ Паркент туманларида биринчи раҳбар бўлиб ишлаганди. Бу пайтларга келиб, у киши қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг билимдон ва тажрибали ташкилотчиси, жонкуяр ва ташаббускор раҳбар сифатида танилганди.

– Тошкент қишлоқ хўжалик институтини тамомлаб, 1952 йилдан бошлаб пахтачиликни механизациялаш билан боғлиқ соҳаларда ишладим, – деб эслайди Н. Носиров. – Пахтачиликка техника воситалари кириб кела бошлаган паллалар. Уларни ишлатувчи ходимларни тайёрлаш, малакасини ошириш асосий вазифага айланганди. Ҳали эски деҳқончилик усулларининг ҳимоячилари ўз кучини йўқотмаган, янгиликка тиш-тирноқлари билан қарши курашардилар. Фермер хўжаликлари ўзлари хоҳлаган энг янги техникаларни, қишлоқ хўжалик машина-механизмларини етти тупканинг тагидан бўлса ҳам эмин-эркин олиб келиб ишлатишаётган ҳозирги пайтда бу гаплар ғалати туюлади.

Юқоричирчиқ ва Паркент туманларида ишлаган йиллари Нозимжон Носиров пахта ҳосилдорлигини ва чорва маҳсулдорлигини ошириш, малакали кадрларни тарбиялаш, қишлоқларни ободонлаштириш, аҳолининг турмуш маданиятини кўтариш масалалари билан мунтазам шуғулланди. 18 йил мобайнида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва сифати бўйича вилоят давлат инспекциясини бошқарди.

Нозимжон Носиров вилоятимизда ишлаган йиллари ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этди, иқтидорли ва ташаббускор раҳбар сифатида танилди, халқнинг юксак ишонч ва ҳурматини қозонди. Ўша кезлари 25 йил муттасил вилоят кенгаши депутатлигига сайланди.

– Мустақиллик йилларида мамлакатимиз, шу жумладан вилоятимизда ҳар биримизда мамнуният уйғотувчи катта-катта ўзгаришлар рўй берди, – дейди суҳбатдошим. – Паркент ёки Янгибозор томонларга ўтсам, қишлоқларимизнинг нечоғлик кўркам, файзли бўлиб кетганлигини кўриб, қувонаман. Кенг, равон йўлларимизни айтмайсизми?!

Одамларнинг маънавий қиёфаси, дунёқараши ва хатти-ҳаракатларидаги ўзгаришлар ҳақида Носиров фахрланиб гапиради. Ўзлигини чуқур идрок этган киши ўз бахтини яратмоққа қодир, дейди отахон. Мустақиллик бу борада катта имкониятлар очди.

Нозимжон Носировни кўпинча коллеж ёки мактабларнинг ўқувчилари давраларида учратиш мумкин. Ўсмирлар, йигит-қизлар отахоннинг сўзларини ҳамиша жон қулоқлари билан тинглашади. Чунки, у киши воқеа-ҳодисаларни теран идрок қилади, мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларга одилона баҳо бериб, ёшларни Ватанни севишга, унинг мустақиллигини ардоқлашга, жамият тараққиётининг муносиб давомчилари бўлиб етишишга даъват этади.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

**Тошкент тумани ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида педагогик ўқиш ўтказилди. У ўрта махсус касб-ҳунар коллежларида ўқув-услубий, маънавий-маърифий, касбий таълим ва уларни йўлга қўйишда ахборот-коммуникация технологиялари, услубий ишларни ташкил этиш ва ўтказиш муаммоларига бағишланди.**

# КОЛЛЕЖДА ПЕДАГОГИК ЎҚИШ

Машғулотларда асосий эътибор талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш кўникмаларини шакллантириш, илмий-услубий ишларни такомиллаштиришнинг методик асослари, ёш ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини ошириш масалаларига қаратилди. Тажрибали ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати таҳлил қилинди. Энг ибратли тажрибаларни оммалаштириш мақсадида очиқ дарслардан кенг фойдаланиш лозимлиги таъкидланди.

– Ҳамкорликдаги бундай ўқишларни барча туманларда ташкил этишни режалаштириб қўйдик, – дейди машғулотни ўтказишга кўмаклашган Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг проректори Зуҳра Исмоилова. – Бу педагогларнинг машғулотларни малакали ташкил этиш кўникмасини оширмоқда.

**Ю. ЖУМАНИЁЗОВ.**

# ЗУККОЛИК БАҲСИ

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қибрай тумани кенгашида «Нима? Қачон? Қаерда?» деб номланувчи интеллектуал ўйин ташкил этилди.**

Унда 1-умумтаълим мактаби жамоаси қатнашди. М. Қаюмова, А. Тўраева, Ш. Турғунов «Энг фаол ўйинчи» номига сазовор бўлишди. Ўйин сўнгида «Билимдонлар» жамоаси ғолибликни қўлга киритди.

Уларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари ҳамда фахрий ёрлиқлар тақдим этилди.

**Ҳуррият МЎМИНОВА.**

**Мактуб йўлга чорлади**

# ШИКОЯТДАН МУДДАО НИМА ЎЗИ?

**Таҳририятимизга оҳангаронлик Тўйчи Даврановдан навбатдаги шикоят хати келди. «Навбатдаги» дейишимизнинг сабаби бор, албатта...**

Очиғи, мактуб билан танишганимизда, ундаги жумлаларнинг ғализлиги сабабми, уларнинг мағзини чақиш учун тезроқ ўрганишга киришдик.

Туманда бўлганимизда ҳоким бизга муаллифнинг хатига расмиятчилик юзасидан ҳам қарамаслигини, бу одам мана уч ярим йилдирки, асоссиз шикоятбозлик билан шуғулланиб келишини айтди. Туман раҳбарининг жавобидан таажжубландик-да, хат муаллифини излашга тушдик. Шаҳар марказида бир йўловчи бизга унинг манзилини кўрсатди.

Эшик олдида бизни қарши олган Т. Давроновга газетадан эканлигимизни айтганимизда, тўғриси, ўзини қўярга жой тополмай қолди ва муаммолар хусусида гап бошлади:

— Тумандаги камчилик ва муаммоларни бартараф этишга ёрдам беришларини сўраб қатор мутасадди идораларга мурожаат қилганман. Бу масалалар юзасидан Олий судда 3000 варақ, вилоят прокурорида 1000 варақ, Республика прокурорида 1000 варақ, туман ҳокимида 200 варақдан зиёд хатларим бор, — дейди куюниб муаллиф.

«Инсон омили»ни ўйлаб, мана неча йилдирки, юқори ташкилотларга шикоят йўллаётган бу киши ҳақида яқин атрофдагилардан сўраганимизда, кўпчилик уни яхши танишини, билишларича, уни бир неча йил аввал ишдан бўшатишгани ва шу-шу ишга қайта тиклашга ёрдам беришларини сўраб тегишли ташкилотларга мурожаат қилиб юришини айтишди.

Шу кунга қадар ёзган варақ-варақ шикоятларидан асл муддао нима эканини тахминан англадик ва у ишлаган Туркия билан ҳамкорликдаги «Демет» хўжалигига йўл олдик. Хўжалик раҳбари ҳам шикоятчининг номини эшитиб:

— Яна ўша эски мавзуми, — деб ажабланди. — Билсангиз, мана шундай суриштирувлар, текширлар эмин-эркин ишлашимизга ҳалақит беради. Ваҳоланки, шикоят аризасида кўрсатилган масалалар юзасидан хўжаликда тегишли ташкилотларнинг мониторинглари ўтказилган. Мен шахсан буни «тузини еб, тузлиғига тупуриш» деб биламан. Чунки, Тўйчи Давроновга Меҳнат Кодексига биноан иш бердик, бундан ташқари ҳам қатор масалаларда озми-кўпми ёрдамимиз теккан. Хусусан, яшаши учун хўжалик ҳисобидан жой ажратганмиз. Лекин...

Сўнгра Тўйчи Давронов масаласи билан боғлиқ барча ҳужжатлар солинган жилдни қўлимизга тутқазди. Унга кўра, хўжаликнинг чорвачилик бўлими бош ветеринария врачи Тўйчи Давронов ўз аризасига биноан, 2003 йил 18 августда 17-сонли буйруққа асосан ишдан бўшаган. Шундан сўнг юқори ташкилотларга унинг имзоси билан варақ-варақ шикоятлар тушаверган. Тегишли ташкилот ходимлари ишни ўрганиб, етарли асос топа олмай қайтаверганлар. Текширишлар самара бермагач, шикоятчи тумандаги бошқа масалаларни ҳам кўтариб, мурожаат қилишда давом этаверган.

Туман прокуратураси ҳамда ҳокимлик девонхонасида бўлганимизда, шикоятчи билан боғлиқ барча ҳужжатларга белгиланган тартибда жавоб берилганининг гувоҳи бўлдик.

— Бизда Тўйчи Даврoновнинг ариза ва шикоятлари юзасидан 2005 йил бўйича 3 та ва 2006 йил бўйича 7 та йиғма жилд сақланмоқда, — дейди туман ҳокимлиги девонхонаси мудири А. Холюсупов.

Қизиқ, муаллиф ишдан ноҳақ бўшатилганлигини, у кўтариб чиқаётган масалаларга ҳеч ким парво қилмаётганини рўкач қилиб, юқори ташкилотларга шикоят ёзаверса, текширувчилар мутасадди раҳбарларнинг вақтларини олиб, кунни бесамар ўтказаверса, бундай шикоятбозликнинг охири нима билан тугар экан? Тўйчи Давронов билан боғлиқ машмашалар, унинг имзоси остидаги «ёз-ёз»лар қачон интиҳосини топаркин?

**Мўмин ИБОДОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

Спорт I

## ПОЛВОНЛАР ПОЙТАХТДА

**Пойтахтимиздаги Республика Олимпия захиралари коллежи спорт мажмуида эркин кураш бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида иштирок этган полвонлар саккиз вазн тоифасида ғолиблик учун гиламга чиқди.**

Пойтахтлик Азиз Ҳикматов, Артём Присяжнюк, вилоятимиз курашчиларидан Азим Раимжонов, Дилшод Бозорбоев, андижонлик Бахтиёр Мирзаев, бухоролик Ихтиёр Наврўзов, Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари – Шермуҳаммад Хўжаниёзов ҳамда Рашид Утамбетов ўз вазн тоифасида мамлакат чемпионлигини қўлга киритди.

## ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ УЧИНЧИ

**Халқаро теннис федерацияси (ITF) "Дэвис кубоги" мусобақасининг биринчи босқич натижаларини инобатга олган ҳолда дунё мамлакатлари терма жамоаларининг янги рейтинг жадвалини эълон қилди.**

Теннис бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мазкур нуфузли мусобақанинг дастлабки учрашувини Наманган шаҳрида ўтказиб, Ҳиндистон теннисчилари устидан 4:1 ҳисобида зафар қучган эди. Ушбу ғалаба умумий рейтингда терма жамоамизнинг 31-поғонани эгаллашини таъминлади.

Бу – теннисчиларимиз Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида жаҳон рейтингида пешқадамлик қилаётган Россия ва 9-поғонада қайд этилган Беларусь терма жамоаларидан сўнг учинчи кўрсаткичдир.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

Одамийлик шеваси

# «ТО ҲИРСУ ҲАВАС ХИРМОНИ БАРБОД ЎЛМАС...»

Қоҳиранинг кунботарида, азим Нил бўйида Луқсор деган дўппидек шаҳарча бор. Луқсор – осори атиқалар, минг йиллик обидалар ўлкаси. Дарёнинг чап соҳилидан Шоҳлар водийси бошланади. Албатта, энди бу водийнинг «шоҳ»лиги қолмаган. Паст-баланд, гиёҳсиз, тақир қирлар, археологлар чала қазиб кетган хандақлар, яккам-дуккам заранг дарахтлари кўнгилга маҳзунлик солади.

Йил-ўн икки ой Шоҳлар водийсидан одам оёғи узилмайди. Бу ерда минг-минг йил бурун мўмиёлаб кўмилган Миср фиръавнларининг дахмалари бор. Уларнинг энг машҳури – Тутанхамон жасади ҳам шу водийдаги кўримсиз бир тепалик бағрида сокин.

Торгина ўзандан бориб, қоронғи ўнгирга кирасиз. Пойгакда қабрхона. Унинг олдидаги икки харсанг тошга турли шакллар солинган. Бу қадимги Миср ёзуви экан. Йўлбошловчи тошлардаги битикни ўқиди. Битик мазмуни тахминан шундай эди: «Эй, омонат инсон! Сабру қаноатни одат қил. Қаноат – қанотдир, сени кўкларга олиб чиқажак. Ҳою ҳавас қули бўлма, ҳарислик мисли занжирдирки, оёғингдан тортиб, тупроқ қаърига элтгай».

Бу ёзувга роппа-роса 3100 йил бўлибди. Уч минг йиллик битик қаршисида хаёлга толдим. Инсон фарзандини сифатловчи атамалар бир талай: табиат шоҳи, олий мавжудот, тафаккурда тенгсиз мўъжиза... Ана шу «тенгсиз мўъжиза»нинг моғораларни тарк этиб, ўзига бошпана ясашни, олов ёқишни ўрганганига, жилға хонишидан, қушлар сайроғидан завқланиб, илк бор бош тебратганига неча миллион йил бўлди. Шундан бери инсон ўзгаришда, тинимсиз такомилда. У ўнлаб жамоаларни, формацияларни, тарихий тузумларни босиб ўтди. Ниҳоят, биологлар тилида хомо сапиенс - идрокли инсон деган мўътабар ном олди. Илгари унинг хаёли осмонда эди, энди оёғи ойда, юлдузлар остонасида. Аммо инсон деган шарафга муқобил ўлароқ ҳарислик, очкўзлик, худнамолик, бировнинг молига кўз олайтириш, айёрлик, риё, хуллас, хиёнат ҳисобига бойлик орттириш каби унсурлар ҳамон айрим кимсаларнинг қонида бор.

Нега шунақа? Бу дилтанг сўроққа ўзимча жавоб излаган бўламан.

Одам Ато фарзандлари бугун хайрул-башар, яъни яхши инсон деган мукаррам номга сазовор бўлди. У минг йиллик дардларига даво топди, табиатда содир бўладиган турли балоларнинг олдини олишни ўрганди, илми ғайбнинг мўъжаз дарчасини очди – об-ҳавони башорат қиладиган бўлди, олами кабир, олами сағир каби тушунчаларнинг мағзини чақди, хуллас, замонасининг ғолиб ва ўктам хўжасига айланди.

Аммо, афсуски, оламни ўзига бўйсундирган комил инсонлар орасида ўз вужудини қуртдай кемириб, емириб бораётган нафс деб аталмиш иллатни енголмаганлар оз бўлсада учраб турибди.

Ҳазрат Навоий «Сенга йўқ нафсдек душман, қила олсанг ани қил банд», деган эди. Не ажабки, дунё мушкулларини ечишга қудрати етган инсон зоти баъзан нафси аммора қаршисида ҳамон ожизлик қилмоқда. Йўқса, у бир ҳовуч пул илинжида диёнатини сотмасди, қўли калта қўшниси билан икки метр ерни талашмасди, ота-онасини жиллақурса, ойига бир марта зиёрат қиларди ва ниҳоят, бировнинг ҳақидан ҳазар қиларди, айниқса, етим-есир ризқига кўз олайтирмасди...

Саккизинчи асрда ориф аёллар мартабасига етишган зоти шарифалардан бири Робиа ал-Адавия эди. Бу доно аёл ҳақида ажиб ривоятлар бор. Шулардан бири мана бундай.

Бир куни Робиадан сўрадилар:

– Муаллима хоним, нафси шайтон устидан ғолиб келиш мумкинми?

– Мумкин, – деди Робиа ва ҳикоятини бошлади. – Неча кун танҳо ўтириб, ип йигирдим. Калава қилиб сотсам, бирон егулик оларман, деб ўйладим. Сотдим. Икки кумуш танга бўлди. Бир тангани ўнг қўлимга, иккинчи тангани чап қўлимга олиб, сиқиб ўтирдим.

– Нега ундай қилдингиз, хоним?

– Негаки, икки танга бир қўлимда бирлашса, шайтонга айланмасин, мени йўлдан уриб, хор қилмасин, дедим.

Бу ривоятни эшитиб бир тумандаги аёл – бош шифокор хонимнинг қилмиши ёдимга тушди. Бу аёл кўп йиллар эл кафтида юрди, мажлисларнинг тўрида ўтирди. Тумандагилар «опа-опа»лаб, соясига салом берарди. У эса бир куни халқ ҳурматига жавобан... пора олиб қўлга тушди. Одамлар ёқа ушлаб қолишди. Ёши бир ерга борган, ўғил-қизнинг ташвишидан қутулган пайтда бунчалик тубанликнинг маъноси не эди? Ўрганган кўнгил ғавғосими? Тийилмаган нафс қутқусими? Одам томирида қон билан бирга шайтон ҳам оқиб юрармиш. Бу раҳбар опа врач бўла туриб, қонтомирдаги маккор душманни яхшилаб таниб олмаган экан-да? Водариғ!

Ёзув пайдо бўлибдики, аҳли дониш қаноат ва тама, тавозе ва кибр, диёнат ва риё тўғрисида ўлмас битиклар битиб келади. Юқорида Миср фиръавнларининг бундан уч минг йил бурунги ҳикматини келтирдик. Исломнинг муқаддас китоби Қуръони Каримда мухтасар қилиб, «нафс... барча ёмонликларга буюргувчидир», дейилади. («Юсуф» сураси, 153-оят).

Юсуф Хос Ҳожибдан Аҳмад Югнакийгача, Имом Ғаззолийдан Алишер Навоийгача, Ҳаким Термизийдан Абдулла Авлоний ва Фитрат домлагача – барча алломаи давронлар нафс туфайли инсон бошига тушадиган кулфатлардан огоҳ этиб келдилар. Биз у азиз зотларнинг ўгитларини такрорлаб, вақтингизни олмайлик-да, яна бир даҳонинг тоғдек салмоқли фикри билан мулоҳазамизни давом эттирайлик. «Қаноат деб ўзига керакли нарсага эришмакка айтилади». «Бошқаларда кўрган нарсани қаттиқ истамаслик ҳам қаноат саналади». Буни Ибн Сино айтган. Эътибор беринг: бошқаларда кўрган нарсани қаттиқ истамаслик... Биз нима қилаяпмиз? Яширишнинг ҳожати йўқ, биз гоҳи-гоҳида бировларнинг яшаш тарзини жуда-жуда «истаб» қоламиз. Аммо дўппини олиб қўйиб, бир лаҳза сарҳисоб қилмаймизки, ўша одам мансаб курсисида ўз истеъдоди туфайли ўтирибдими ёхуд қўли узун тоғасининг шарофатими бу? Осмонўпар қаср ҳалол пул эвазига солинганми ёки пора ҳисобигами? Тўплаган мол-мулки унга вафо қилармикан ёхуд ўтники-ўтга, сувники-сувга, дегандек бир куни елга совурилиб кетармикан?

Тасаввуф пешволари нафсни сурат ва сийратига қараб нафси аммора (қайсар), нафси лавома (жазога лойиқ), нафси раддийа ҳамда сафиййа, яъни покланган, олижаноб нафс, дея тоифаларга ажратганлар. Биз кундалик истеъмолда бу тушунчаларни оддийгина қилиб ҳайвоний нафс, руҳоний нафс, дея қўллаймиз. Жонли махлуқотнинг, жумладан, одамзотнинг моддий эҳтиёжини англатувчи нарсалар ҳайвоний нафсга кирса, ёлғиз инсон фарзандига хос бўлган жавҳар, инсоннинг руҳий дунёсини мувозанатда ушлаб турадиган нарса – бу руҳоний нафсдир.

Биз кўпинча нафсни тор маънода тушунамиз. Уни ёлғиз моддий неъмат ўрнида кўрамиз. Аслида нафснинг шакл-шамойили турли-туман. Масалан, амалини суиистеъмол қилиб, бир ғарибга зулм ўтказиш руҳоний нафс шиддати эмасми? Ёки обрў талашмоқ, мукофоту унвон учун қинғир йўллардан фойдаланмоқ, бировларни камситиб, бировларга етти букилиб таъзим қилмоқ сингари турланиб-товланишлар шайтоний нафснинг жилвалари, ўйинлари эмасми? Ана шунинг учун ҳам ўтмишда авлиёи кабирлар «Дунёдаги буткул фожиаларнинг ибтидоси нафси шайтон васвасаси туфайлидир», деганлар.

Шайхулмашойих Аҳмад Яссавий деярли ҳар бир ҳикматида бизни нафс хуружидан огоҳ этади: «Қул Ҳожа Аҳмад, қирққа кирдинг, нафсингни қирқ, нафсинг сени оғир дамда гадо қилғай».

Шоир Сўфи Оллоёрнинг мана бу сатри бугун ҳам гўё хитобдек жаранглайди:

*Кўмилган термулиб*
*турғондан ортуқ!*

Қаранг, бировнинг мол-дунёсига кўз тикиб, тама қилиб тургандан кўра ер қаърига кирган афзал эмиш.

Мулоҳазаларимни Алишер Навоийнинг мана бу ҳикматли сўзлари ила якунлагим келди:

*То ҳирсу ҳавас хирмони*
*барбод ўлмас,*
*Эл шод ўлмас, мамлакат*
*обод ўлмас.*

**Саъдулла СИЁЕВ.**

Китобингизни ўқидим

**«Шеър – кўнгилнинг кўриниши. Одам ўз кўнглини ўзи кўргиси келганида шеър ёзади. Ошиқ кўнгил етовга кўнмайди. Унга буюриб бўлмайди. Куйлагиси келса, билганича куйлайди. Унинг хиргойиси ўзига ярашади. Чунки, у аввало, ўзи учун куйлайди...»**

# ЗАВҚЛИ ДИЛ ОҲАНГЛАРИ




Бу Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоировнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриётида чоп этилган моҳир шифокор Нурмат Атабековнинг «Ўзбекка тош отма» номли шеърий тўпламига ёзилган сўзбошисидаги фикрлар. Юртимиз соғлиқни сақлаш соҳаси ривожига баҳоли қудрат ҳисса қўшаётган, минглаб инсонлар дардига шифо излаб илм йўлига кирган, айни чоғда вилоятимиз соғлиқни сақлаш бошқармасини бошқараётган бу инсоннинг дилномалари тўкилган тўпламни варақлаган киши шеърият чинакам кўнгил иши эканлигига амин бўлади.

Дарҳақиқат, Нурмат Атабеков шоир бўлиш даъвосида шеър ёзмайди. Самимий, жозибали сатрларидан ҳам аёнки, у ҳаётни севадиган, қадрлайдиган, унинг қувонч ва шодликларига бефарқ қарай олмайдиган, атроф-оламни теран нигоҳ билан кўра оладиган синчков шахс. У қалби буюрган, кўнгли «жиз» этгандагина қўлига қалам тутади. Аслини олганда, чинакам шеър фақат шу ҳолатдагина туғилиши мумкин. Бунга унинг ўзи ҳам иқрор бўлиб, шундай ёзади:

*Мен шоир эмасман,*
*шунчаки ҳавас,*
*Орзудан туғилган*
*баъзи байтларим.*
*Илҳомим ҳаётдан*
*олинган нафас –*
*Бот-бот ҳис қиламан*
*ёзган пайтларим.*

Шифокорнинг ўзига хос шеърият гулдастаси ифоридан баҳра ола туриб, она Ватанни эъзозлаш, миллий қадриятларимиз, хусусан, тилимизга бўлган ҳурмат-эҳтиром, табиатга ошуфталик, ишқ-муҳаббат каби соф инсоний туйғулардан туғилган содда, самимий сатрлар шоир ижодининг асосий таянч нуқталари эканлигини ҳис этиш мумкин. Айниқса, ишқ-муҳаббат тараннум этилган шеърларида севги асири бўлган чинакам ошиқ, таъбир жоиз бўлса, покиза ҳислар тарбиялаган комил инсон қиёфаси тўла-тўкис намоён бўлади. Муҳаббат инсонни ҳамиша гўзалликка, покликка, умуман, ҳар жабҳада юксакликка етаклаши муқаррар эканлигига ишониш ижодкор айтмоқчи бўлган энг асосий фикр, десак хато бўлмас. Ҳазрат Жалолиддин Румий бекорга айтмаганда, оламнинг асосида ишқ ётади, деб...

Бундоқ ўйлаб кўрилса, бугун ҳаётимизда илоҳий туйғулар даражасида қадрланган ишқ-муҳаббатнинг баҳоси тушиб кетгандек, севги ҳақида гап борганда, кўпни кўрганларни қўя турингу, ёш-ялангларнинг ҳам тили тутилмаётгандек, тиззаси қалтирамаётгандек, умуман севги бугун оддий гапга айланиб қолаётгандек гўё. Масала шу даражага бориб етдики, тунов куни ойнаи жаҳонда бўй етган азамат бир йигит:

*«Чоршанбаю пайшанба,*
*жума,*
*Севдим нима,*
*севмадим нима»,*

дея саҳнанинг чангини чиқариб қўшиқ куйлаяпти.

Ҳаётга ана шундай енгил-елпи кайфиятда қараётган, муҳаббатнинг асл моҳияти, қадру қимматини бачканалаштириб юбораётган ёшларга Н. Атабековнинг шу шеъри билан жавоб беришни истардим:

*Севиб кўрганмисан,*
*ҳаётингда ҳеч,*
*Еру кўкка сиғмай*
*тортганмисан оҳ,*
*Висол боғи ичра*
*кезган*
*маҳал кеч,*
*Алам-ҳасратингга*
*топдингмиги гувоҳ?*

Чинакам инсон севги буюк, ҳаётбахш неъмат эканини билади. Уни бор вужуди билан асраб-авайлашга, бир умр содиқ қолишга интилади — худдики, у бир гулу, баргига капалак қўнса ҳам озор чекиши мумкин.

*– Эй фалак,*
*севги ато қил,*
*Эъзозлаб сақлашга*
*тайёрман.*
*Синаб кўр, майли*
*гадо қил,*
*Ишончинг оқлашга*
*тайёрман,*

– дейди чинакам ошиқ кўнгил.

Умуман, бундай самимийлик ва бурчдорликни Н. Атабековнинг китобидан ўрин олган деярли барча шеърларида учратиш мумкин. Унинг она замин, юртдошларнинг қувонч ва шодликлари, фасллар нафосати, ўзаро инсоний муносабатлардан тортиб, кундалик турмуш икир-чикирлари акс этган шеърлари ҳар қандай ўқувчи шуурида беиз кетмайди, уни завқланишга, мушоҳада юритишга чорлайди.

Бир сўз билан айтганда, «Ўзбекка тош отма» тўпламини моҳир ва тажрибали шифокорнинг уйғоқ юраги, назмий истеъдодининг ёркин ифодаси, дейиш мумкин.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.**


## Тошкент вилояти ЎМКХТ бошқармаси тасарруфидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари диққатига!

**Тошкент вилояти ЎМКХТ бошқармаси тасарруфидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари томонидан «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» доирасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2005 йил 29 сентябрдаги 214-сонли буйруғига асосан очиқ дарслар ўтказиш тўғрисида эълон қилади.**

**Тошкент вилояти ЎМКҲТ бошқармаси тасарруфидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи ўқитувчилари томонидан 2006-2007 ўқув йилида ўтказиладиган очиқ дарслар ЖАДВАЛИ**

| № | Ўқитувчининг Ф.И.Ш | Дарснинг Мавзуси | шакли | тили | сана | вақти | Фаннинг номи | Кафедра номи | КХК номи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Асқадёр Маҳмудович Давлатёров | Чорраҳа. Чорраҳа турлари. Ҳаракат тартибга солинган ва солинмаган чорраҳалардан ўтиш қоидалари | Назарий машғулот | Ўзбек тили | 23 февраль | 9:30 | Йўл ҳаракати қоидалари | "ҚХлигини механизациялаштириш" кафедраси | Паркент тумани агросаноат КҲК |
| 2 | Дилмурод Мирзоҳидович Жалолов | Помидор экини, биологик хусусиятлари ва морфологияси | Назарий машғулот | Ўзбек тили | 23 февраль | 11:20 | Сабзавот экинларини етиштириш технологияси | "ҚХлигини механизациялаштириш" кафедраси | Паркент тумани агросаноат КҲК |
| 3 | Маҳмуд Алматов | Ҳайвонларни клиник текшириш усуллари | Назарий машғулот | Ўзбек тили | 2 март | 10:00 | Чорва молларининг ички юқумсиз касалликлари | "Махсус фан" кафедраси | Оққўрғон тумани ҚХ КҲК |
| 4 | Ҳасан Сулайманов | Ўсимлик маҳсулотларини етиштириш технологияси | Назарий машғулот | Ўзбек тили | 2 март | 11:30 | Ўсимликшунослик | "Махсус фан" кафедраси | Оққўрғон тумани ҚХ КҲК |
| 5 | Серикбой Утигенов | Шиналарни ўрнатиш | Лаборатория амалий машғулоти | Ўзбек тили | 6 март | 9:25 | Автомобилларнинг юриш қисми | "Техник фанлар" кафедраси | Қибрай тумани ҚХ КҲК |
| 6 | Раҳматжон Якубович Абдураҳмонов | Ем-хашак ўриш машиналарининг тузилиши ва ишлаши | Амалий машғулот | Ўзбек тили | 15 март | 9:00 | Қишлоқ хўжалиги машиналари | "Махсус фан" кафедраси | Бўка тумани ҚХ КҲК |
| 7 | Камолиддин Отабоев | Хўжалик маблағлари ва уларни ташкил этиш манбалари | Назарий машғулот | Ўзбек тили | 20 март | 11:50 | Бухгалтерия ҳисоби | "Махсус фан" кафедраси | Тошкент Тумани, "Абдураҳмонов" ҚХ КҲК |
| 8 | Мастура Жумадуллаевна Ҳаитова | Тупроқнинг кимёвий, механикавий таркибига намлигига ва экиш хусусиятига кўра уруғнинг унувчанлиги | Амалий машғулот | Ўзбек тили | 26 март | 8:30 | Тупроқшунослик, деҳқончилик ва мелиорация асослари | "Агробизнес" кафедраси | Пскент тумани ҚХ КҲК |
| 9 | Ҳамид Собирович Атабоев | Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш мини цехидаги ТА-62 Д конденсатори жиҳози ва уни ишлатиш | Амалий машғулот | Ўзбек тили | 26 март | 10:00 | Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш машина ва жиҳозлари | "Агробизнес" кафедраси | Пскент тумани ҚХ КҲК |
| 10 | Мирзораҳим Абдураҳимович Сафаров | Қатор ораларига ишлов берувчи культиватор-озиқлантиргичларнинг тузилиши ва ишлаш принципи | Назарий машғулот | Ўзбек тили | 4 апрель | 10:30 | Қишлоқ хўжалиги машиналари | "Қишлоқ хўжалиги машиналари" кафедраси | Бўстонлиқ тумани ҚХ КҲК |
| 11 | Асан Алтинбоевич Аширов | Сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси | Назарий машғулот | Ўзбек тили | 4 апрель | 10:30 | Чорвачилик | "Чорвачилик" кафедраси | Бўстонлиқ тумани ҚХ КҲК |
| 12 | Миршариф Намазов | Ички ёнув двигателининг умумий тузилиши ва ишлаш принципи | Назарий машғулот | Ўзбек тили | 12 апрель | 10:00 | Трактор ва автомобиллар тузилиши | "Трактор ва автомобиллар" кафедраси | Қуйичирчиқ тумани ҚХ КҲК |
| 13 | Нишонбой Усмондиёров | Карбюраторли двигателларни ёқилғи аралашмаси билан таъминлаш тизими | Назарий машғулот | Ўзбек тили | 17 апрель | 10:00 | Автомобиллар тузилиши | "Махсус фан" кафедраси | Бўка тумани агросаноат КҲК |
| 14 | Гулнора Султонова | Автомобилнинг бошқариш механизмларига техник хизмат кўрсатиш ва жорий таъмирлаш | Назарий машғулот | Ўзбек тили | 17 апрель | 11:30 | Автомобиль ва двигателларга техник хизмат кўрсатиш | "Махсус фан" кафедраси | Бўка тумани агросаноат КҲК |
| 15 | Ҳайрулла Ҳожиев | "Амазоне Д9-30" русумли универсал сеялканинг тузилиши ва ишлаш принципи | Назарий машғулот | Ўзбек тили | 23 апрель | 10:00 | Қишлоқ хўжалиги машиналари | "Қишлоқ хўжалик ва техник фанлари" кафедраси | Зангиота тумани ҚХ КҲК |
| 16 | Замира Ўсарова | Ўзбекистон Республикасининг маъмурий ҳудудий бўлиниши | Назарий машғулот | Ўзбек тили | 26 апрель | 10:00 | Давлат ва ҳуқуқ назарияси | "Махсус фан" кафедраси | Қибрай тумани Агротижорат КҲК |
| 17 | Миркомил Норқулович Абдуллаев | Ҳайвонлар организмига дори юбориш усуллари | Назарий машғулот | Ўзбек тили | 14 май | 10:00 | Ветеринария ва зоогигиена | "Чорвачилик" кафедраси | Қуйичирчиқ тумани агросаноат КҲК |
| 18 | Абдумахшан Салихович Ахмеджонов | Газ тақсимлаш механизми нуқсонлари ва уларга техник хизмат кўрсатиш | Назарий машғулот | Ўзбек тили | 14 май | 11:30 | Трактор ва автомобиллар тузилиши | "Трактор ва автомобиллар" кафедраси | Қуйичирчиқ тумани агро саноат КҲК |
| 19 | Тўра Жўраев | Куртак пайвандлаш усуллари | Амалий машғулот | Ўзбек тили | 23 май | 10:00 | Боғдорчилик | "Махсус фан" кафедраси | Тошкент тумани ҚХ КҲК |
| 20 | Махсуда Арабоевна Фатхуддинова | Зараркунанда ва ҳашаротларга қарши биологик усулда курашиш | Амалий машғулот | Ўзбек тили | 30 май | 11:30 | Ўсимликларни ҳимоя қилиш | "Махсус фан" кафедраси | Янгийўл тумани ҚХ КҲК |
| 21 | Эркин Абдувалиев | Ички юқумсиз касалликларга ташҳис қўйиш | Амалий-лаборатория машғулоти | Ўзбек тили | 12 июнь | 10:00 | Чорва молларининг ички юқумсиз касалликлари | "Ветеринария" кафедраси | Чиноз тумани "Олмазор" ҚХ КҲК |
| 22 | Афанасий Ли | Карбюраторли двигателларни ёндириш тизимининг тузилиши ва уларга техник хизмат кўрсатиш | Амалий-лаборатория машғулоти | Ўзбек тили | 12 июнь | 11:30 | Автомобиль двигателларининг тузилиши | "Автомобиллар" кафедраси | Чиноз тумани "Олмазор" ҚХ КҲК |
| 23 | Дилмурод Раҳимович Нурматов | Озуқа тайёрлаш машинаси ва механизмлари | Назарий машғулот | Ўзбек тили | 20 июнь | 10:00 | Қишлоқ хўжалиги машиналари, чорвачилик учун жиҳозлар | "Махсус фан" кафедраси | Охангарон туман "Нуробод" ҚХ КҲК |

**ТВЎМКҲТ бошқармаси ва ТИМИ «АЛ ва КҲК» бўйича раҳбарлари томонидан берилди.**


**Об-ҳаво**

Гидрометеорология хизмати марказининг хабар беришича, 21 февраль куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб айрим жойларда туман тушади. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 3-5 даража совуқ, кундузи 7-9 даража илиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Баъзи жойларда туман тушади. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 3-8 даража совуқ, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади.


Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди судьялари малака ҳайъати ихтисослиги бўйича 3 йиллик юридик стажга эга бўлган корхона ҳамда ташкилотлар юристларини жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди судьялари номзодлари захирасига таклиф қилади.

**Мурожаат учун манзил:** Тошкент шаҳри, У. Носир кўчаси, 93-уй.

**Телефон: 362-78-44.**


Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази жамоаси марказ директори Зафар Умарович Сидиковга волидаи муҳтарамаси **МУҲТАРАМ ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси жамоаси бошқарма методик марказининг олий тоифали услубчиси **Анвар Халилович ИЗМАЙЛОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 136-53-09.
Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-139. Адади 9587. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

Ⓣ белгили материаллар - тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи - 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 21.00. 1 2 3 4 5